



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: xasar@uzliedep.com, web sayt: www.21sar.uz

ЎТМОЙ-СИЙОСИ ГАЗЕТА

2012 йил 26 июль, пайшанба, 30-(454)-сон



Аёллар тadbиркорлигига 238,4 миллиард сўм маблағ ажратилди

4 ИСЛОҲОТ



Қонун шартномавий муносабатларни янги поғонага кўтариш имконини берди

6 МАСЪУЛИЯТ



Олти ойда дунё бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 25 фоизга ошди

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Қўшма йўналиш

МУҲИМ ҲУЖЖАТ РЕАЛ НАТИЖАЛАРГА АСОС БЎЛАДИ

O'zLiDePнинг Республика Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказган қўшма йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ўрта синф вакилларининг ҳуқуқий ҳимосини таъминлаш жараёнида кескин ўзгаришлар ясашга қаратилган ҳужжат, дея баҳоланди.

2 >>>

Партиявий лойиҳа



ДИПЛОМ БОР, ЭНДИ НАВБАТ БИЗНЕС ДИПЛОМИНИ ҚЎЛГА КИРИТИШГА

Ўзбекистон аҳолисининг 18 миллиондан зиёдини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этаётгани, янги авлод вакилларининг сиёсий онги ва дунёқараш кундан-кунга ўсиб бораётганини инобатга олсак, O'zLiDePнинг ёшлар масаласига жуда жиддий ёндашгани лозимлигини ҳис этамиз

— Учрашувлар жараёнида ана шундай ўзгаришлар яққол сезилмоқда, — дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Ешлар билан ишлаш бўлими мудири Фирдавсий Жабборов.

4 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 24 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	↑ 1959,92
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2960,03
1 Хитой юани	↑ 297,68
1 Швейцария франки	↓ 1917,49
1 АКШ доллари	↑ 1900,62
1 ЕВРО	↑ 2332,10
10 Япония йенаси	↑ 243,23
1 Украина гривнаси	↑ 237,79

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Фармон

Президентимиз Ислам Каримовнинг «ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТADBIRKORЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТADBIRЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ фармони ўрта синф вакиллари, тadbиркор ва ишбилармон ҳамда иқтисодчилар томонидан ислохотларнинг янги босқичидаги энг муҳим, таъбир жоиз бўлса, бюрократик тўсиқларга мустақкам тўсиқ кўйишга қаратилган ҳужжат, дея баҳоланмоқда

«Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» шиорига қатъий амал қилинаётган Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай кенг қўламли ислохотлар изчиллиги таъминланаётганини халқаро экспертлар ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, ўрта синф вакиллари учун максимал даражада қўлай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани натижасида хусусий сектор иқтисодиётнинг таянч нуқтасига айлана олди.

Соҳа мутахассислари 2012 йилнинг олти ойида 13 мингта янги кичик бизнес субъекти иш бошлаганини, уларнинг 64,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларида ташкил этилганини таъкидламоқдалар. Энг муҳими, эса ана шу даврда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари томонидан 1087,5 млн. долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинди.

Таҳлилчилар ва йирик иқтисодчилар, тadbиркор ва сиёсатчилар Юрт-

бошимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шундай кўрсаткичларни бир неча баробарга ошириш имконини беришини алоҳида таъкидламоқдалар.

Мазкур фармон ишбилармонлик муҳитини умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга мослаш имконини ҳам беради. Чунки унинг моҳияти тadbиркорлик фаолиятини ортқича регламентлар билан чеклаш, ношқора маъмурий тартиб-таомиллар каби бюрократик тўсиқ ва товларга барҳам беришни ҳам назарда тутди.

Фармонда ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча тadbиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш ҳам белгилаб берилди. Энг муҳими ана шу муҳим ҳужжат бюрократик сансалорлик ва коррупцияга барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади.

2-3 >>>



Депутатлар ҳам, вазирлар ҳам хулоса чиқардилар

Аммо кўмита эшитувида ана шу хулосалар амалиётда, қонун нормаларида ўз аксини топмас экан, ҳеч қандай натижа бермаслиги таъкидланди

Парламент куйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси «Кичик бизнес субъектларига тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча имтиёз ва афзалликлар бериш, уларнинг назорат органлари билан ўзаро муносабатларини содда-лаштириш, ташқи савдо операцияларини расмий-лаштиришнинг ортқича тартиб-таомилларини бартараф этиш, мамлакатимизда хорижий сармоядорларга қўшимча шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомил-лаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш» бўйича мутасадди вазирларнинг ахборотини эшитди.

Тadbирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш борасида Хукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» Давлат дастури ижроси тўғрисида»ги қўшма қарорнинг 3-бандида белгиланган вазифаларнинг Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Давлат солиқ ҳамда Давлат божхона кўмиталари томонидан қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

Кўмита эшитувида алоҳида таъкидланганидек, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ўтган даврнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни тараққий эттиришнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақкамлайдиган 6 та қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу вақт ораллигида имзоланган 10 дан зиёд фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 15 га яқин қарори ҳақида ҳам тadbиркорлик учун ишончли кафолатлар тизимини яратиш, лицензия бериш қоидаларини соддалаштириш, рухсатномалар олиш тартиб-таомилларини қисқартириш мақсади мужассамдир. Натижада кичик бизнес субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби соддалаштирилиб, рўйхатдан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божи икки баравар қисқартирилди. Шунингдек, кичик корхоналар ходимларининг сони 100 кишигача етказилган фаолият турларининг рўйхати кенгайтирилди.

2 >>>

Истиқдол йиллари Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,5 бараварга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 бараварга ўсгани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир

2 >>>

Ҳуқуқий кафолат —

тadbиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим омили

2011 йилнинг биринчи ярмида хўжалик судлари томонидан даъвогарлар фойдасига ундирилган маблағ 3,2 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида жавобгарлардан 4,59 трлн. сўм миқдоридagi дебиторлик қарзлари ундирилди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари фойдасига ундирилган маблағ эса 116 млрд. сўмни ташкил қилди.

Истиқдол йилларида эришилган улкан муваффақиятлар ва ҳаётий таъриба кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик қанчалар ривож топса, жамиятимизнинг мустақкам пойдевори бўлган ўрта синф учун шунчалар мустақкам замин яратиш

мумкинлигини кўрсатди.

Тadbиркорлик фаолиятининг қарор топиши ва уни ривожлантиришда ҳуқуқий воситаларнинг ўрни ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни



3 >>>

ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу йил 12 июлда «Правда Востока» газетасида чоп этилган мақолада кўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изох берди



Н.Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида «фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани»га ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин, қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил

халқаро экспертизадан ўтмагунча Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузаётгани ҳақида халқаро ҳам-жамият ташвишга тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

3 >>>

6

ШУ СОНДА:

СИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРГАН ЭДИНГИЗ?

Суҳбат давомида маҳалла аҳлининг Ўрта Чирчиқ туман кенгашига ким депутатликка сайланганини билмасликлари маълум бўлди. Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинига кўнграқ қилганимиздан кейингина ХДП аъзоси Қаюм Дехқонбоевнинг депутат эканини аниқлади.

Муносабат

Муҳим ҳужжат реал натижаларга асос бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтатиш мамлакатимизда муваффақиятли йилларни хусусий

ни билан ҳам электротар вакиллари эътиборини қозонапти. Шу боис муҳим фармонлар ижросини таъминлашдан, энг аввало, O'zLiDeP манфаатдордир. Ана шундан келиб чиқиб, уларнинг мазмун-моҳиятини электротар вакиллари орасида кенг тарғиб қилиш, ҳар бир бандининг

корлик алоқаларини мустақамлаш, имзоланган Бош битим доирасидаги ишларни жадаллаштириш орқали масъулиятли вази-фаларни қайта қўриб чиқиш бугуннинг қатъий талаби экани таъкидланди.

Таҳсиллар шунинг кўрсатмоқдаки, O'zLiDeP ва унинг ҳамкор ташкилотлари тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолиятига тўқсинлик қўлаётган муаммоларни бартараф этишда етарлиқ тажриба ва зарур ахборот-таҳлил воситаларига эга. Бироқ шунга қарамай, ҳамкор ташкилотлар фаолиятида ҳали ишга солинмаган куч ва имкониятлар мавжуд. Бош битим доирасида жойларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам бугунги кун талаблари даражасида эмас.

УШБУ ҲУЖЖАТЛАР «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ҚАЙД ЭТИЛГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИНИ ИЗЧИЛ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИДИР.

тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қўлай муҳит ва шарт-шароитлар яратилди. Беvosита соҳани тартибга солувчи 400 дан зиёд меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мулкдорлар қатламининг ривожланишида ҳуқуқий кафолатга айланди. Натijaда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши қарийб 54 фоизга етди. Бугун аҳоли даромадларининг 48 фоизи айнан тадбиркорлик фаолиятидан келиб тушаётгани ҳам соҳаниннг жамият ҳаётида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

сўзсиз бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этишимиз лозим.

Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхоннинг таъкидлашича, бири иккинчисини мантқан тўлдирувчи фармонлар бугунги глобаллашув ҳамда мамлакатимизни модернизациялаш жараёнларида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон асосида жорий йилнинг 1 августидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомилнинг бекор қилинаётгани бюрократик тўсиқларни бартараф этиш имконини беради. Айни пайтда рухсат бериш тизимини ислоҳ қилиш реал иқтисодий кўрсаткичларга олиб келишини қатор мамлакатлар тажрибаси ҳам кўрсатапти. Хусусан, Нидерландияда мазкур усул қўлланилиши натижасида ишбилармонлар йилига 2 миллиард АҚШ долларини тежаш имконига эга. Ҳиндистонда эса бу жараён ялпи ички маҳсулотнинг йилига 3,5 фоиздан 6-7 фоизга ортишига олиб келган.

— Мазкур фармонлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш учун қўлай муҳит ва кенг имкониятлар яратиш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади, — деди O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадсўф Тешабоев. — Ушбу ҳужжатлар «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да қайд этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамиятини изчил оширишга қаратилган ўзгаришлар стратегиясининг мантиқий давомидир. Унда белгиланган комплекс чора-тадбирлар «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг изчил ижросини таъминлашга, тадбиркорлик фаолияти учун янги, янада кенг имкониятлар яратишга қаратилган

Кўшма йиғилишда қайд этилганидек, Юртбошимиз фармонлари ўз мазмун-моҳиятига қўра, O'zLiDeP ва унинг ҳамкор ташкилотлари мақсад-муддаоларига тўла мос келаётгани учун ҳам улар олдидаги масъулиятини икки ҳисса оширади. Ана шундан келиб чиқиб, йиғилишда ўзаро ҳам-

Асосий эътибор ижрога қаратилади

Президентимиз фармони кенг қўламли ислоҳотлар изчиллигини таъминлаб, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин ошириш имконини бериши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Насиржон АЛИМОВ,
Олий Мажлис Кенгаши аъзоси,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси.

— Ушбу муҳим ҳужжатдан қўланган асосий мақсад мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодий тарқатилиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омилга айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ўрта синф вакиллари учун янада қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

лаётган, бунинг устига банкдан олинган кредит ҳисобига тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлаётганлар учун қатор қийинчилик туғдирарди. Фармон туфайли бундан буён ҳўжалик юритувчи ҳар қандай субъект (кредит ташкилотларидан ташқари) ортиқча тўловларсиз ўз фаолиятини бошлаши ва бир йил мобайнида Устав фондиди шакллантириши мумкин.

Бундан ташқари, янги фармонда тадбиркорлик субъектлари учун фирма номларини захирага олиш бўйича талабномаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш жараёни Интернет тармоғи орқали Давлат статистика қўмитаси томонидан 4 иш соати давомида амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Илгари тадбиркорнинг бу борадаги мурожаати Статистика идоралари томонидан 24 соат ичида қўриб чиқилар эди. Бундай талаб, шубҳасиз, ҳар қандай

Маълумки, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини бошлаши учун, энг аввало, банкда ҳисоб рақами очилиши керак. Бунда банк маъмурияти тадбиркор ва бош ҳисобчи имзосининг нотариал тасдиқланган шаклини талаб қилади, албатта. O'zLiDeP фаоллари томонидан ана шу ҳолат ўрганилганда бош ҳисобчига эҳтиж йўқ, лекин белгиланган тартибга қўра мажбуран ҳисобчи ёлланган тадбиркорлик субъектларининг айнан ана шундай муаммоларга рўбарў бўлаётгани маълум бўлган.

Фармонда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг каналлизация ва сув таъминоти тармоқларига улаштириш аниқ муддати белгилаб қўйилганлиги таъкидлаш жоиз. Бундан буён каналлизация ва сув таъминоти тармоқларига улаштириш учун рухсатномалар олиш ариза берилган вақтдан бошлаб 2 иш кунини этиб белгиланди. Шу вақтгача бу масалалар бир ойгача чўзиларди. Натijaда тадбиркорлик субъектлари шу вақт оралиғида ўз ишини бошлаш оймай, кутишга мажбур бўларди.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони шу вақтга қадар тадбиркорлар йўлига гов бўлаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Унинг ҳар бир бандини амалиётга жорий қилиш яқин келажакда кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада орттириб, иқтисодий тараққиётимизни юксалтиришга хизма қўлади. Биз — тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилаётган партия вакиллари сифатида мазкур фармонда акс этган меъёрларни электротаримиз орасида кенг тарғиб қилиш ва унинг бажарилиши устидан доимий жамоатчилик назоратини йўлга қўйишимиз лозим.

ЯНГИ ФАРМОНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ФИРМА НОМЛАРИНИ ЗАХИРАГА ОЛИШ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН 4 ИШ СОАТИ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛДИ.

Фармонда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва рўйхатдан ўтказиш борасида бир қатор енгилликлар яратилганига электротар вакиллари алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, эндиликда устав фондиди бир йил давомида шакллантириш шартини билан, ҳўжалик юритувчи субъекти давлат рўйхатидан ўтишига қадар Устав фондиди қисман тўлаш талаби бекор қилинди. Илгари эса тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтиш учун 30 фоизлик Устав фондиди шакллантириши талаб этиларди. Бу эндигина иш бош-

тадбиркорнинг ортиқча вақтини тежашга имкон беради.

Фармонда акс эттирилган қўлайликлардан яна бири — банкларда ҳисоб рақам очиш учун имзо намуналарини нотариал тасдиқлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари — микрофирмалар томонидан имзолар намунаси карточасида иккинчи имзо (бухгалтер имзоси)нинг мажбурий мавжудлиги талаби бекор қилинганлидир. Илгари мазкур ҳолат юзасидан ҳам амалиётга қатор қийинчиликларга дуч келинарди.

Имтиёз туфайли 80 млн. ўрнига 40 млн. сўм солиқ тўладик

Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шу кунгача ушбу соҳани ривожлантиришга оид барча қонунлар, фармон ва қарорларни янгича мазмун билан тўлдирувчи ҳаётбахш ҳужжат экани билан ҳам биз, тадбиркорларни янгидан-янги режалар тузишга ундамоқда

Ўлмас РАҲМАТОВ,

халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати,
O'zLiDeP Бухоро туман кенгаши раиси:

— Унда, жумладан, бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг гоё муҳим вазибалари белгилаб берилдики, уларнинг амалиётга изчил татбиқ этилиши ҳақ-ҳуқуқларимизни ишончли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Фармонда алоҳида урғу берилган ана шундай устувор вазибалардан бири бизнесни юрйтиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётида умум қабул қилинган халқаро меъонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига

эришишдан иборатдир.

Соҳа ходимлари учун яратиб берилган имконият ва имтиёзлар натижасини «Гала-Ривер» кўшма корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Узум қабул қилиш ва қайта ишлашга ихтисослашган корхонамизда жорий йилнинг биринчи ярмида 860 минг АҚШ доллари миқдорига сифатли маҳсулот экспорт қилинди. Президентимизнинг бундан олдин имзоланган тегишли фармон ва қарорларида белгилаб берилган имтиёзлар туфайли 80 миллион ўрнига 40 миллион сўм миқдорига солиқ тўлангани кейинги ишларимизни янада ривожлантириш, корхонамизни технологик жиҳатдан модернизациялаш имконини берди. Яъни, цехларимизга Италиянинг «Della-Tofl» компаниясининг замонавий асбоб-ускуналари ўрнатилди. Умумий баҳоси 280 минг АҚШ долларини ташкил этган Европа технологик линиясининг афзалликларини ўз фаолиятимизда ҳис этаймиз.

Бутун 2005 йилда ташкил этилган корхона-

мизда 42 нафар киши иш билан таъминланган. Ишчиларнинг аксарияти «Саховат» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi хонадонларда яшовчи ёшлардир. Уларнинг гайрат-шижоати туфайли 2011 йилда вилоят ҳўжаликларидан жами 5200 тонна узум қабул қилиниб, қайта ишланди ва унинг 100 фоизи — 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдорига сара маҳсулот экспорт қилинди.

Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса, шубҳасиз, бизга ўхшаш юзлаб, минглаб корхоналарни янада барқарор ишлашга, вақти, маблағини тежашга, Президентимиз томонидан яратиб берилган қўлай ишбилармонлик муҳитида эса янада изчил ривожланишимизга имкон беради. Бу эса айни пайтда ҳар бир тадбиркордан соҳаниннг барча вакиллари қатори давр талаблари даражасида иш олиб боришни кундалик фаолиятга айлантиришни ҳам талаб этади.

Депутатлар ҳам, вазирлар ҳам хулоса чиқардилар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

— Истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 3,5 бараварга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 бараварга ўсганлиги, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар самарасидир, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Фақат сўнгги 11 йилнинг ўзида кичик корхона ва микрофирмалар сони 2 марта кўпайиб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизга ошди. Мамлакатимизда ҳар йили ташкил этилаётган бир миллионга яқин янги иш ўринларининг 64 фоизи айнан ана шу сектор ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам узоқни кўзлаган оқилона сиёсат мевасидир.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Акмал Камолоннинг айтишича, ўтган йилнинг ўзида мазкур вазирлик тизимидаги ташқи сав-

до компаниялари ва «Ўзтадбиркорэкспорт» масъулият чекланган жамияти кўмағида 180 та кичик бизнес субъектининг 248,3 миллион долларлик маҳсу-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 160 ТА КИЧИК КОРХОНАНИНГ 114 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК МАҲСУЛОТИ ХОРИЖИЙ САВДО УЙЛАРИ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН.

лоти экспорт қилинган. Жорий йилнинг ўтган даврида эса тадбиркорларга улар ишлаб чиқарган маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишга яқиндан ёрдам бериш мақсадида 470 та бизнес субъекти билан манзилли иш олиб борилган. Натijaда 160 та кичик корхонаниннг 114 миллион долларлик маҳсулоти хорижий савдо уйлари орқали экспорт қилинган.

Аммо қўмита эшитишда ҳамон айрим кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳалақат бераётган муаммолар ҳамда бюрократик тўсиқлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилади.

Бу ҳолатни Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилган

сўровлар ҳам кўрсатапти. Сўров натижаларига эътибор қаратсак, ишбилармон доира вакиллари улар фаолияти билан боғлиқ баъзи муаммоларни ечиш зарур-

лини ошириш, банкларга электрон тарзда мурожаат қилишни йўлга қўйиш ва унга кўпи билан уч кунда жавоб қайтарилишига эришиш ҳам тадбиркорлик қўламининг кенгайишида муҳим роль ўйнайди.

Қўмита эшитишда, шунингдек, ижроия ҳокимиятининг тегишли идоралари раҳбарлари мажлисида муҳокама этилган масалалар ва уларнинг ечими юзасидан батафсил ахборот берилди. Ўз навбатида, Қонунчилик палатаси депутатлари тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг бартараф этилиши бўйича қатъий парламент назоратини ўрнатишга ваъда берилди.

Ийгилишда асосий эътибор тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган бюрократик гўвларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини қатъий назоратга олиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Электротар фаолиятдан

ХУМДАНАКЛИКЛАРДАН ЎРГАНСАНГИЗ — ЮТҚАЗМАЙСИЗ

Жондор туманидаги Хумданақ кишлоғида иш бошлаган «Жондор мегатекстиль сервис» МЧЖ ўтган йили 845 минг АҚШ долларидек маҳсулотни экспорт қилишга эришди.

Сочик ва бошқа тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона 2011 йилда 2 млрд. 750 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 2 баробар ошириш режалаштирилган.

Зеро, «Ҳамкорбанк» ОАТБнинг 700 млн. сўм миқдоридagi кредити эвазига цехларга Швейцариянинг «Зульцер» ва Италиянинг «Вамотекс» компаниялари жиҳозлари ўрнатилган, иш унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам ошди.

Айни пайтда Хумданақда 80, МЧЖнинг Кўкон бўлимида эса 30 нафар йиғит-қиз иш билан банд. Яқинда корхона тасарруфидagi худудда умумий майдони 60 гектардан иборат ёрдамчи ҳўжалик ҳам ташкил этилди. Бу ерда пахта ва галла етиштиришдан ташқари чорвачиликни ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Асхор ИСТАМОВ тайёрлади.



Акc-cago

Энди тадбиркорнинг қимматли вақти ҳам, маблағи ҳам тежаллади

фармонда белгилаб берилган вазифаларни таҳлил этиб, ундаги асосий эътибор ўрта синф манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилганини кўрамиз

Дилмурод РАЖАБОВ,
Самарқанд вилоят ҳўжалик суди раиси:

— Мана бу мисолларга эътибор беринг: агар 2007 йили Самарқанд вилоят ҳўжалик судида 7 мингдан зиёдроқ ариза (даъво ариза)лари кўриб чиқилган бўлса, ўтган йили улар сони 20 мингдан ошди. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик тузилмалари сони ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Ўтган йилнинг 6 ойида 10612 та, жорий йилнинг мос даврида 10887 та даъво аризалари кўриб чиқилди.

Амалдаги йилнинг олти ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, улар манфаати юзасидан бошқа идоралар томонидан киритилган ариза (даъво ариза)лари асосида жами 19120,0 млн. сўмни ундириш тўғрисида 493 та иш кўриб чиқилди. Шундан 376 таси қаноатлантирилиб, тадбиркорлар фойдасига 12518,0 млн. сўм ундириб берилди. Энг эътиборли жиҳати эса кўрилган 493 та ҳўжалик ишларидан 31 таси прокуратура, 224 таси адлия идоралари, 17 таси эса Савдо-саноат палатаси томонидан киритилган аризалардир. 221 та ариза тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган. Кўриниб турибдики, прокуратура, адлия идоралари ҳам бугун тадбиркор манфаатини изчи қўймоқда.

Амалиётдан маълумки, баъзи ҳўлларда тадбиркорлар судга даъво ариза бергач, белгиланган вақтда суд жараёнига келиш имкониятига

эга бўлмайди. Шундай ҳўлларда у ишни унинг иштирокисиз кўришни сўраб, почта орқали илтимоснома жўнатади. Бундай илтимосномалар эса кўпинча суд мажлиси бўлиб ўтганидан кейингина бизга етиб келади. Бундай ҳўлат тадбиркорнинг ортқича вақт ва маблағ йўқотиши ҳамда ҳақли эътирозларига сабаб бўлади, албатта. Президентимиз фармонида ҳўжалик судларига тақдим этилаётган илтимосномалар ва даъво аризаларнинг электрон тарзда берилиши тадбиркорлар даъвосини қисқа муддатлардан қабул қилиш ва кўриб чиқиш имконини беради. Энг муҳими эса ишбилармонларнинг қимматли вақти ва маблағи тежаллади. Президентимиз фармони бир қарашда оддийдек туюлган, ammo аслида жуда катта куч ва имкониятлар сарфланаётган ана шундай ҳўлатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан ҳам ниҳоятда муҳим ҳужжат бўлди.



ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ —

тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг муҳим омили

Собир ХОЛБАЕВ,
Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари

Жумладан, Олий Мажлис қўйи палатасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Онлави тадбиркорлик тўғрисида», «Рақобат тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Президентимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилган фармон ва қарорлари фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига кенг-роқ жалб этиш ва ундан манфаатдор бўлиш учун қўлай инвестицион муҳит, шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаолиятини ошириш борасидаги муҳим қадам сифатида бежиз эътироф этилма-япти.

Ушбу ҳужжатлар билан тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш, мавжуд бюрократик гавлар ва тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларни чеклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уларни техник ва технологик янгилаш билан боғлиқ бир қанча интизёлар, афзалликлар ва кафолатлар яратиб берилди.

Жумладан, эндиликда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркор ҳуқуқи устуворлиги таъминланган амал қилинмоқда. Яъни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига ҳал этиладиган бўлди. Янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти эса улар давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб дастлабки уч йилда режалли солиқ текширишлари дан ўтказилмади. 2014 йилнинг 1 апрелигача солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш сўраётларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаоли-

ятини солиқ соҳасида текшириш таққиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун судларга мурожаат қилишда харажатларни камайитириш учун улар ҳўжалик судларига даъво аризалари беришда қонунда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизини тўлайдиган бўлдилар.

Судларда кўрилаётган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани эса тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксалаётганидан, уларнинг қонун устуворлиги таъминли ва судларга ишончи ортаётганидан далолат беради, албатта.

2011 йилнинг биринчи ярмида ҳўжалик судлари томонидан даъвогарлар фойдасига ундирилган маблағ 3,2 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида жавобгарлардан 4,59 трлн. сўм миқдоридagi дебиторлик қарзлари ундирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдасига ундирилган маблағ эса 116 млрд. сўмни ташкил қилди. Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадига жами ишларнинг 56 фоизи бевосита жойларда, яъни сайёр суд мажлисларида кўрилди.

Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки белгиланган даражада бажармасликдан келиб чиққан низолар бўйича кўрилган ишлар сони жами кўрилган ишларнинг 26 фоизини ташкил қилди.

Судьялар ишларни мазмунан кўриш жараёнида низоли келтириб чиқариш, тўлов интизоми ва шартномавий мажбуриятларни бузиш, ўзгалар мулкига зарар етказишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажариллиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармон асосида шу йилнинг биринчи ярмида кўрилган жами таъсир чоралари сони 4 мингдан ошган. Шундан айбдор шахсларнинг 321 нафари маъмурий, 1273 нафари моддий, 1577 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Ундан ташқари, қонунбузилиш ҳўлатларини бартараф этиш ва олдини олиш мақсадига тегишли корхона ва идораларга 900 тага яқин тақдимномалар киритилди ёки хусусий ажримлар чиқарилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш, ҳўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида» фармони-нинг қабул қилиниши эса иқтисодийётин янада эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодийётга аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб беришда катта аҳамиятга эга бўлганини ҳаётно хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам эътироф этмоқдалар.

Ушбу фармонга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Хусусан, фаолиятини тўхтатиш, тугатиш, банкротдаги ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни 10 кундан кўпроқ муддатга тўхтатиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали амалга ошириладиган бўлди. Бу эса турли назорат қилувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан асоссиз, баъзан эса адолатсиз таъсир чоралари қўлланилишининг ҳам олдини олмоқда.

2011 йилнинг дастлабки олти ойида ҳўжалик судларида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид 5,4 мингта яқин аризалар кўриб чиқилган бўлса, 2012 йилнинг 6 ойида бу кўрсаткич 3,2 мингтани ташкил этди.

Ўтган йилнинг март ойида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби тадбиркорлар манфаати инobatта олинган ҳўлда соддалаштирилди. Масалан, ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўриш муддати 1 ойдан 15 кунгача; ҳал қилув қарорининг қонуний қучга кириши эса 1 ойдан 10 кунгача; суднинг ҳал қилув қарорини тузиш ва тарафларга юбориш муддати 5 кундан 3 кунгача қисқартирилди. Мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддати жами 70 кундан 30 кунгача қамалди.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ушбу фаолият субъектларининг қонун олдидаги тенглигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соҳада йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳўлатларига қатъий чек қўйиш, бюрократик гов ва тўсиқларни бартараф этиш мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожига, унинг янада мустақамла-нишига, қолаверса, аҳоли фаровонлигининг юксалишига замин яратмоқда.

Бюрократик тўсиқлар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйилди

Юртбошимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мансаб сууистемолчиликларини кескин камайитиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳим ҳужжат сифатида тилга олинмоқда



Абдурашид ЖўРАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш, бизнессубъектларийн ташкил этишни соддалаштириш ва уларнинг эркин фаолият юритишларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2000 йилда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонун, 2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда 2005 йил 21 сентябрда «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги, 2006 йил 24 майда «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибин жорий этиш тўғрисида»ги, 2011 йил 25 августда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, 2003 йил 20 августда «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари

тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилиндики, улар моҳиятан катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Президентимизнинг навбатдаги фармони эса тадбиркорлик соҳасида рухсатнома бе-

турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхати, шунингдек, лицензия ҳамда рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот жойлаштирилиши ва танишув учун очиқ бўлиши юзасидан ҳам зарур ҳуқуқий чора-тадбирлар мустаҳ-

БУ ЭНДИЛИКДА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ТУРЛИ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, ФУҚАРОЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАР РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ВИЛОЯТ ВА ТУМАН МАРКАЗЛАРИГА БОРИШЛАРИ ШАРТ ЭМАС, ДЕГАНИДИР.

риш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириладиганини кўрсатади. Буни юқоридаги ҳужжатда тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатнома характерига эга бошқа ҳужжатларни бериш жараёнларини янада соддалаштириш, уларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадига тадбиркорлик субъектларига интернет тармоғи орқали ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини яратиш билан бир қаторда аризаларни ўтиш жараёнининг интерактивлиги, яъни давлат органининг мазкур мурожаатни кўриб чиқишга оид фаолиятининг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш назарда тутилганидан ҳам қилиб олиш мумкин. Фақат шунгина эмас. Мазкур ҳужжатда 2014 йил охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари солиқ ва статистика ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш тизимига босқичма-босқич ўтишлари ҳамда интернет тармоғида ягона веб-сайт яратилиб, унга лицензияланадиган фаолият

камланган.

Бу эндиликда республикамизнинг турли вилоятларидаги тадбиркорлик субъектлари, ташкилотлар, фуқаролар лицензиялар реестрига киритилган маълумотлар билан танишиш учун Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказларига боришлари шарт эмас, деганидир. Умуман, қабул қилинган қонуннинг янги нормалари тадбиркорлик субъектларининг вақти ва харажатлари тежаллишига имкон яратади.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги чора-тадбирлар, хусусан, рухсатномалар бериш тизимининг асосий қоида ва тамойилларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши маъмурий харажатларни сезиларли даражада камайитириш, бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш, тегишли ҳуқуқий нормаларни оптималлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш тартибин соддалаштириш ва, албатта, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Далилларни менсимаслик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин

Давоми. Бошланғич 1-сahифада ◀◀

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қўрилиш ишлари жадал сўраётда олиб бориладиганини тан олишга мажбур бўлди.

У «иккита сув ташлайдиган тунелни тўлиқ ва сифатли кўриб битказишимиз керак. Ҳозир тунеллар деворларини қайта цементлаш ишлари олиб борилмоқда», деб очиқчасига баёнот берди.

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичида асосий қўрилиш ишлари ниҳоятда етиш арафасида экани таъкидланди. «Биз аввало, бу ишларни сифатли яқунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси ўзинини тўсишга киришимиз лозим», — деди Н.Саидов. Унинг айтишича, «Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деярли барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган». Шу билан бирга, у «айни пайтда Роғун ГЭСи қўрилиши майдонидида саккиз минг нафардан ортқи қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчилар ишлаётгани»ни маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси

қўрилиши жадал сўраётда давом эттириладиганини таъкидлайди. Ушбу баёнотда «Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмади», деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баландпарвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдоридида «лутфан» тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг қўйлаётган натижалари уни асло жилволай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

Шу ўринда ҳақли савол тўғилди: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қўрилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қўрилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки унинг пойдевори 100 метр қалинликдаги туз қатламидида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли zilзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчиб туриши ҳақида хулоса-



га келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?

Иккинчидан. Балки юқорида зикр этилган «мустақил» экспертизани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва бурюртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳушёрлигини сусайитириш ҳамда пировардида, уларни ушбу объект

қўрилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институлар ва таққот таъкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар гоё аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.



УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ «DIMAХ METAL SERVICE» масъулияти чекланган жамияти қошидаги БПТ фаоллари «Ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш масалалари» мавзуда очик мулоқот уюштирдилар



ХАЛҚ БАНКИ ТОШЛОҚ ТУМАН БЎЛИМИДА ЎТКАЗИЛГАН «Тадбиркорлик — тараққиёт кўзгуси» мавзудаги навбатдаги тадбирда бошланғич ташкилотларнинг тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти муҳокама қилинди



О'ZLiDeP ИШТИХОН ТУМАН КЕНГАШИДА «Мустахкам оила йили» Давлат дастурини амалга оширишда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

30 (454)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

26

июль, пайшанба

Сафдошлар сафи кенгаймоқда

ёшларни спортга ошно этиш, уларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда Қизилтепа туманидаги О'zLiDeP фаоллари ҳам муносиб иштирок этмоқдалар

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR»

— Бугунги туб ислохотлар ва демократик янгиланишлар жараёнида сиёсий партиялар фаолиятига катта эътибор қаратилаётганлиги зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди туман кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўйича маслаҳатчиси Жасурбек Аслонов. — Шу боис кўйи бўйин етакчилари сайловига алоҳида талабчанлик билан ёндашдик. Мавжуд 27 та бошланғич ташкилотнинг 14 тасига ёш, сиёсий жиҳатдан етакчилик сифатлари билан таллаш ишларида қизилтепа туманидаги 7-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бошланғич партия ташкилоти раислигига муҳофизат асосида сайланган Тухта Ниёзов ҳам бор. У партиянинг фидойи, жонкуяр вакиллари билан бир сифатда кенгаш ишида фаол иштирок этади. Ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзуларда ўтказиладиган турли тадбирларда ҳам иштирок этади.



Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», қолаверса, партия дастурига белгиланган вазифалар рўйи кўп жиҳатдан кўйи бўйинлар фаолиятига боғлиқдир. Биз тилга олган бошланғич ташкилотда ҳам юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, кадрлар захирасини шакллантириш, аъзоликка қабул қилиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Партиянинг вилоят ва туман кенгашлари томонидан ўртага қўйилган масалалар БПТ фаоллари даврасида атрофлича ўрганиб чиқилиб, уларни жойида ҳал этиш чо-

ралари кўрилди. Партия депутатлик гуруҳлари маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса ўз самарасини бермоқда. — Ёшларни спортга ошно этиш, уларни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга яқиндан қўллаб-қувватлаш ишларида турган асосий вазифалардан биридир, — дейди Т.Ниёзов. — Айни кунда мактабимиздаги 1660 ўғил-қиз 51 нафар устоз етакчилигида спортнинг беш йўналиши бўйича маҳорат кўчқиларини эгалламоқдалар. Мураббийларимизнинг бир нафари Ўзбекистон Республикаси спорт устаси, 2 нафари олий тоифали, 4 нафари иккинчи тоифали ва 40 нафари олий маълумотли мутахассис ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, туманда жисмоний тарбия ва спортнинг омалашувида О'zLiDeP аъзоларидан Ҳамза Отамуродов, Севара Жому-

родова, Мақсуд Султонов, Омон Шойимов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида мактаб ёшидагилар ўртасида республика чемпионати ва биринчилиги мусобақаларида 8 та олтин, 14 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритишди.

— Энг қувонарлиси, Азиз Бахронов, Дилшод Рўзиев ҳамда Турсунпўлат Ҳожиёв каби тарбияланувчиларимиз волейбол бўйича республика ўсмир ёшлар терма жамоаси таркибига яқинда Хитой Халқ Республикасида ўтадиган халқаро мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди. 6 нафар ўқувчимиз волейбол, 2 нафари эса кураш бўйича фахрли Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлишди, — дея сўзини давом эттирдилар БПТ раиси. — Утган йилги ютуқларимиз ҳам кам эмас. Ёш полвонларимиз Баҳолидир Иззатов, Фазлиддин

Турсунов, Ҳусан Ботиров ҳамда Шариф Жаҳонгиров миллий кураш бўйича республика турнирларида ўз вази тоифаларида олтин медал соҳиб бўлишди. Ўзбекистон чемпиони Жаҳоид Усмонов эса Туркияда ўтган халқаро мусобақада ўз вази тоифасида тенгсиз эканлигини намойиш этиб, мамлакатимиз байроғини юқори кўтариш шарафига муносиб бўлди.

Мактаб директори, О'zLiDeP аъзоси Салим Жўраевнинг айтишича, ёзги соғломлаштириш оромоҳларида дам олаётган болалар билан мунтазам жисмоний тарбия машғулоти ҳамда турли спорт мусобақалари ўтказиш орқали уларнинг фаол ҳордиқ чиқаришига эришилаётганлиги алоҳида таъкидланади.

Бу, шубҳасиз, жамоада партиявий бурч чуқур ҳис этилиб, тарбиявий-сиёсий ишларга алоҳида масъулият ва талабчанлик билан ёндашилаётганидан далolat беради.

Фермер қишлоқда етакчи куч

— Қишлоқ хўжалигида яхши натижага эришиш учун, энг аввало, ер билан тиллашиб ишлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш лозим, — дейди хўжалик раҳбари Собир Шукруллаев



Элдор БОЗОРОВ

— Биз ҳам ана шундай талабларга амал қилиб, ҳосилдорликни мунтазам оширишга муваффақ бўлаёмиз.

Шу ўринда бундан бир неча йил аввал хўжалигимиз фахрий аъзоси

Ҳамид Шукруллаев томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш, намликни сақлаш ва ёнилги сарфини тежаш имконини берувчи олти қаторли культивация мосламаси яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана шу тежамкор технологиядан фойдаланиш натижасида ерларимизнинг рентабеллик даражаси 49 фо-

изга ошди. Жорий йилнинг ўзидагина ғалладан 55 центнердан ҳосил олддик.

Бугун фермерлар зиммасида қишлоққа саноатни олиб кириш, худуд аҳолиси, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашдек масъулиятли вазифалар турибди. Бунинг учун деҳқончиликдан ташқари ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш лозим. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугунги фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, агроном, саноатчи ҳам бўлиши керак. Шундагина у ўз атрофдагиларига наф келтириши мумкин.

Айни кунда «Ҳамидов Нурбек» фермер хўжалиги Самарқанд вилоятининг Нарпай туман аҳолиси турмуш сифатини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш комплексини ҳам ишга туширди. Юз ўринга мўлжалланган чойхона, гўшт дўкони, новвойхона ва қурилиш ашёлари савдо маркази Дедан, Нўғай ва Қозикент маҳаллалари аҳолисига хизмат қилаётир. Фермер ташаббуси натижасида яна 16 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминландилар.

Шу ўринда хўжалик аъзоларининг О'zLiDeP бошланғич ташкилотига бирлашган ҳолда фаолият

олиб бораётганлиги партиянинг фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга оид фаолиятини омалаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбарининг юртимиз ғаллакорлигига йўллаган табриги хўжалигимиз аъзоларини янги меҳнат зафарларига ундамоқда, — дейди С.Шукруллаев. — Чиндан ҳам мамлакатимизнинг бугунгиликда ривож ва тараққиёти ўз-ўзидан бунёд бўлгани йўқ. Айниқса, собиқ тузум даврида таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалигини оёққа турғазини, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда тизимли чора-тадбирларни қўллашга тўғри келди. Бунда, энг аввало, ер томоғи сифатида аҳолига ажратиб берилди, ернинг шўрланиши, эрозия даражаси ўрганилиб, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратилди. Ана шу каби узокни қўлаб амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигидаги истиқболларини белгилаб берди. Айни пайтда эса мустақиллик меваси саналган фермерлик ҳаракати сафидаги 81 миң нафардан ортиқ юртдошларимиз қаторида биз ҳам аграр соҳадаги ислохотлар моҳиятини чуқур англаб, олдимизга қўйилган масъулиятли вазифаларни адо этишга ҳаракат қилаёلمиз.

Ҳар қандай натижа ташаббус ва фидойиликка боғлиқ

Қува туманидаги «Роҳатой» фермер хўжалиги мустақиллик йилларида қишлоқ мулкдорлари учун яратиб берилган имкониятлар қандай натижа берганини амалда исботлаган хўжаликлардан бири

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Ҳаракатда — баракат, деганларидек, «Роҳатой» пахта, ғалла ва пилла етиштириш бўйича ҳам шартномавий режаларни орғини билан адо этмоқда. Хўжаликда чорвачилик, балчиқчилик ва паррандачилик ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, 150 дан зиёд ўз ишининг усталари эл-юрт дастурхонини маъмурчилиги йўлида меҳнат қилишмоқда. 200 бошдан зиёд қўй, 50 бош йирик шохли насли қорамол даромадга-даромад қўшапти. Каттагина майдонда мевали боғ ташкил этилган. 51,7 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Энг муҳими, ушбу сертармоқ хўжаликда янги инновацион технологиялардан унумли фойдаланилиб, ишга илмий ёндашилди.

Фермер хўжалиги миришкорлари жорий йил ғалла маъсумини ҳам муваффақиятли якунлашди. Ўз вақтида амалга оширилган агротехник тадбирлар натижасида 105,3 гектар майдондан салкам 300 тонна сифатли ҳосил етиштирилиб, режа 114,6 фоизга бажарилди.

Шуни айтиш керакки, «Роҳатой» фермер хўжалигида О'zLiDeP ташкил этилган йиллик бошланғич ташкилотга асос солинган эди. Эндиликда ушбу БПТ аъзолари ўз фаолияти ва ташаббускорлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаётганлар. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ дастурий вазифалар ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. 20 нафар партия аъзоси жам бўладиган БПТ хонаси партия ҳаётига оид ҳужжат ва қўлланмалар, даврий нашрлар, сиёсий адабиётлар билан таъминланган. Энг муҳими, жамоада сўз ва иш бирлигини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

— Хўжалигимиз аъзолари мустахкам этиқдодли, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга бел боғлаган кишилардир, — дейди БПТ фаолларидан бири, иш бошқарувчи Абдуманноп Маъмуров. — Амалий саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, уларда сиё-

сий жараёнларга қизиқиш тобора кучаймоқда. Жамоада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда ушбу фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, О'zLiDeP туман кенгаши раиси Авазбек Тешабоевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Партиявий фаолият бизни тинимсиз ҳаракатда бўлиш, омилкорлик билан иш тутишга ўргатади, — дейди БПТ раиси. — Эндиликда биз яратилган имкониятлардан фойдаланиб, мева-полиз маҳсулотларини етиштириш ҳажминини кўпайтириш ва «Агробанк»нинг туман бўлимидан олинган кредит эвазига мевани қайта ишлаш технологияларини харид қилишга бел боғладик. Агар ушбу режамиз амалга ошса, ички ва ташқи бозорга сифатли мева шарафати чиқариш ҳамда 100 га яқин янги иш ўрни яратиш имконига эга бўламиз.

Бошланғич ташкилот айни пайтда ўз фаолиятини таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳам яқин ҳамкорликда олиб бормоқда. Жумладан, Қува қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ўқув жараёнларини тақомиллаштириш, ёшлар онига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун барча чоралар кўриляпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2012» кўрик-танловида «Роҳатой» фермер хўжалиги «Ёшларга энг кўп иш ўринлари яратган фермер хўжалик» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас.

Кези келганда айтиш керакки, фермерлик ҳаракати учун яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган хўжалик соф фойдаланиш каттагина қисмини ҳимойлик ва хайрия талбирларига сарфламоқда. Худуддаги болалар боғчалари ва умумтаълим мактаблари, кам таъминланган оилалар ҳам эътибордан четда эмас.

Шундай бўлса-да, БПТ фаолиятида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, худуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, бу борала юқори партия ташкилотларига таклифлар тайёрлаш, депутатлик гуруҳлари билан ишлаш борасида сусткашлик кўзга ташланади. Бундан тегишли ҳулоса чиқарилиши лозим, албатта. Демократизмни, гоёвий-сиёсий ишларни кучайтириш, юқори бўйин билан алоқаларни кенгайтириш, жойларда партиявий фаолиятни ошириш учун мавжуд ички имкониятлар тўла ишга солинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

XXI ASR
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ



2012 ЙИЛНИНГ 5 ОЙИГА
БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА
уюштириладиганини маълум қилади.

Мурожат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Масъулият

Шартнома имзолашда асло адашманг

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун шартнома тузиш ва ушбу жараён моҳиятини бутунлай янги поғонага кўтариш имконини берди

Зафар ОЛИМОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси,
Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи

жараёни, гарчи тарафларнинг мажбуриятлари ва ижро муддати аниқ бўлсада, шартномада кўрсатилиши зарур. Бу иккинчи тараф шартномани бажаришни рад этганда, тегишли талабнома/претензия/киритиш ва жарима ҳамда пеня ундириш, келтирилган зарарни қоплатиш учун имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан хўжалик шартномалари лойиҳаларини имзолашга тайёрлаш жараёнида уларнинг хўжалик юритувчи субъект юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокатлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари мувофиқлиги текширилиши, шартномаларни тегишли юридик шахсларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмаслиги, шартномалар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, ёзма хулосалар берилгандан кейингина раҳбар томонидан имзоланиши лозим.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ёки жалб қилинган адвокатлар томонидан имзоланиши керак.

Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш тўғрисида”ги қароридан кейин хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имзоланиши керак.

Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш тўғрисида”ги қароридан кейин хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имзоланиши керак.

Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш тўғрисида”ги қароридан кейин хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имзоланиши керак.

Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш тўғрисида”ги қароридан кейин хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имзоланиши керак.

«ХИСОР-ЗИЙНАТ» НЕМИС ТЕХНОЛОГИЯСИГА ЎТДИ

Шахрисабз туманидаги «Хисор-зийнат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тура Амиркулов соф фойда эвазига Германиядан мебель кромкасини ишлаб чиқарадиган янги ускуна олиб келди. Натижада мебель маҳсулотлари тури 100 хилдан ошиб кетди. Бундан ташқари, 10 нафар ёшлар учун янги иш ўринлари яратилиб, жамиятда меҳнат қилувчилар сони 40 нафарга етказилди.



ЧЎПОНЛАР УЧУН ЯНГИ УЙЛАР

Деҳқонobod туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалигидаги зотли Ангор эчкилар сони 1,5 мингга етказилди. Бунга ширкат хўжалиги ҳудудида чўпонлар учун қулай шароитлар яратилгани ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, ҳудудда ўндан ортиқ замонавий уйлар ҳамда чорванни сақлашга мўлжалланган махсус бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги турар-жой ва бошқа объектлар «Телекомнаслчилик» шўъба корхонаси томонидан бунёд этилди.

Аёллар қаноти

Фаолликнинг ўзи етарли эмас

О‘zLiDePнинг аёллар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракати Фарғона вилоятида ҳам реал натижалар бермоқда

Ўз мухбиримиз

Айни пайтда ҳудудда 4254 нафар хотин-қизни ягона мақсад сари бирлаштирган О‘zLiDeP «Аёллар қаноти» ўтган олти ойлик фаолиятини таҳлил қилиб, кейинги яримйилликка мўлжалланган вазифаларни белгилаб олмақда.

О‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Оиланинг интеллектуал маънавий-ахлоқий даражаси — бурчи ва масъулияти» мавзудаги давра суҳбатига ҳам ана шу вазифалар яна бир бор сарҳисоб қилинди.

да тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш О‘zLiDeP фаоллари зиммасидаги асосий вазифалардир. Айни дамда аёлларнинг оила, маҳалла ва жамиятда фаол

лар қошидаги аёллар билан ишлаш бўлимлари қўлини қўлга бериб ҳаракат қилмас экан, мақсадимиз қуруқ гаплитига қолаверади. Бугун Фарғона вилоятидаги 364 та бошланғич

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ПАРТИЯ ҒОЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН БОР ИМКОНИЯТЛАРИНИ ИШГА СОЛМОҚДА. БУ ЖАРАЁНЛАРГА ПАРТИЯ АЪЗОСИ БЎЛГАН 800 НАФАРДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕР АЁЛЛАРНИНГ ЖАЛБ ЭТИЛГАНЛИГИ ЭСА ШУБҲАСИЗ, АНИҚ САМАРАЛАР БЕРАЯПТИ.

бўлиши бу унинг ижтимоий-сиёсий салоҳияти билан ҳам боғлиқ эканини унутмаслик керак.

— Албатта, сиёсий жихатдан етук, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этувчи хотин-қизларимиз кўпчиликини ташкил этади. Бироқ уй-рўзгор юмушлари билан овора бўлиб қолаётганлари ҳам йўқ эмас, — дейди О‘zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими муdiri Гулбаҳор Турдиқулова.

Жойлардаги бошланғич ташкилотлар, маҳаллалардаги маслаҳатчи аёллар, ҳаёт мактабини ўтаган она-хонларимиз ёрдамида ана шундай хотин-қизларни ҳам ўз сафимизга қўшимиз лозим. Бу борада «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партия-

партия ташкилотининг 96 тасига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Аҳамиятлिसи, уларнинг 7 таси жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган. Қуйи бугиларни жонлантириш, уларда аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши натижа-сида ўтган олти ойда О‘zLiDePга аъзо аёллар сони 87 нафарга кўпайди.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғона вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» партия ғояларини амалга ошириш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Бу жараёнларга партия аъзоси бўлган 800 нафардан ортиқ тадбиркор ва фермер аёлларнинг жалб этилганлиги эса шубҳасиз, аниқ самаралар берапти.

Муносабат

СИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРГАН ЭДИНГИЗ?

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Наврўз» маҳалласи депутатларнинг масъулиятсизлигидан далолат бермоқда

Ўз мухбиримиз

Хат шундай сатрлар билан бошланади: «Ўтган йигирма бир йил мобайнида истиқлол шарофати билан Ватанимиз кундан-кунга тараққий топиб, ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Президентимиз ташаббуси билан нафақат пойтахтда, балки, энг чека ҳудудларда ҳам кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Айниқса, қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли турмуш тарзини яхшилашга катта эътибор қаратилётгани натижасида узоқ қишлоқлар аҳолиси учун ҳам шаҳарлардагидан қолишмайдиган қулай шароитлар яратилмоқда. Ўрта Чирчиқда ҳам ана шундай бунёдкорлик ишларини ҳар қадамда учратасиз. Лекин ҳар тўқинчида бир айб деганларидек, ана шундай натижаларга қарамай, маҳаллий раҳбарлар ва айрим соҳа мутасаддиларининг эътиборсизлиги туфайли пойтахтдан аттиги 12 км. узоқликда жойлашган маҳалламиз йўлларидан айрим муаммолар сақланиб қолмоқда...»

Хат муаллифлари Мурод Мақсудхўжаев, Севара Маҳкамова, Зухра Калонова, Улугбек Хусанов, Мухаммадjon Абдурахмонов ҳамда туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бўлими бошлиғи Шавкат Алимов билан учрашганимизда бу борада туман ҳокимлигига ҳам бир неча бор мурожаатлар юборилгани маълум бўлди.

Энг таажубланарлиси, давлат

бюджетидан керагидан ортиқ маблағ ажратилгани ҳолда, уни ўзлаштиришда сансалорлик ҳолатлари юз берган. Туман ҳокимлигининг ободонлаштириш бўлими бошлиғи Шавкат Алимов ички йўлларни таъмирлаш учун давлат бюджетидан 2012 йилда оз эмас-кўп эмас 729 млн. сўм маблағ ажратилганини, бугунгача мазкур ҳудуддаги 15 та қишлоқнинг ички йўллари таъмирланганини таъкиллади. Аммо жамоатчилик ва депутатлик назоратининг етарли йўлга қўйилмагани натижасида бу маблағ тўла ўзлаштирилмай қолмоқда. Хўш, бундай масалаларда депутатлар нега сукут сақламоқдалар?

Энг қизиғи, суҳбат давомида маҳалла аҳлининг Ўрта Чирчиқ туман кенгашига ҳудуддан ким депутатликка сайланганини билмасликлари маълум бўлди. Зухра Калонова Пахтакор қишлоқ фуқаролар йигинига қўнғироқ қилганидан кейингина ХДП аъзоси Қаюм Деҳқонбоевнинг депутат этиб сайлангани аниқланди. Нега ушбу масалада депутата мурожаат қилмадингиз, деган саволимизга эса Севара Маҳкамова билан Зухра Калоновадан «депутатимиз кимлигини энди билдик-ку» деган жавоб олдик.

Биз айрим партия нашрларида депутатлар, жойлардаги депутатлик гуруҳларининг жонбозликлари, электротат манфаатини ҳимоя қилишдаги қатъияти ва ташаббускорлиги ҳақидаги мақолаларни ўқиб, шубҳасиз, сиёсий партиялар фаолиятидаги ижобий ўзгаришлардан қувонамиз. Аммо баъзан ўз депутати исми-шарифини билмаслигини тан олган сайловчи билан юзма-юз келиб қолганимизда

уни бепарволикда айблай бошлаймиз. Ваҳоланки, бунга сайловчи эмас, аксинча, сиёсий партия ва унинг ғоя ҳамда мақсадларини илгари суриб, депутатликка сайланган партия аъзоси айбдор эканини ҳар доим ҳам тан олгимиз келмайди. «Наврўз» маҳалласи фуқаролари билан учрашувда ана шундай ҳолатга дуч келдик.

Маълум бўлишича, айни пайтда халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман кенгашида жами 25 депутат бўлиб, уларнинг 15 нафарини ЎзХДП вакиллари ташкил этмоқда. Маҳаллий кенгашга ҳам ана шу ҳудуддан ЎзХДП вакили сайланган. Албатта, бундай эътиборсизликка фақат ХДП аъзоларига айбдор, десак хато бўлади. Чунки муаммоли масалага томошабин бўлиб туриш ҳам лоқайдликдир. Бундай ҳолат эса айни пайтда халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши ва, албатта, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимлигининг ҳам жойлардаги ҳаётий масалаларга муносабати қай даражада эканини кўрсатмоқда. Биз бугун депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ниҳоятда муҳим эканини яхши биламиз. Бу талаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан бирга маҳаллий кенгаш депутатларига ҳам тааллуқлидир. Аммо негадир «Наврўз» маҳалласи фуқароларининг турли идораларга, хусусан, Тошкент вилояти ҳокимлигига ёзган мурожаатларига сайловчилар ишончини қозонган, ўша ҳудуддаги мавжуд ҳолатдан хабардор депутатлар ҳам бепарқараб келаётганини тушуниш қийин. Зеро, депутатлар халқ вакиллари сифатида, энг аввало, уларнинг муаммоларини олиб чиқишлари керак эмасми?

Реклама ўрнида

XALQ BANKI

Standart & Poor's

Халқаро рейтинг агентлиги
2012 йил июль ойида

Ўзбекистон Республикаси
Давлат-тижорат Халқ банкининг
халқаро кредит рейтингларини

В+/В
Барқарор
даражасида тасдиқлади

Хатарлар қуршовида

Таҳлилчилар 2012 йилнинг олти ойида дунё бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 25 фоизга ошганини, об-ҳавонинг кескин иссиши эса асосан қишлоқ хўжалик минтақаларига салбий таъсир кўрсатганини таъкидламоқдалар

Файзулло АБДУЛБОКИЕВ

Ҳақиқатан ҳам, бугун дунё айвонидаги қуроли зиддиятлар, экология бузилиши, иқлим иссиши оқибатида келиб чиққан озиқ-овқат муаммоси кўпчиликни ташвишлантираётган.

БМТ ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти нарх-наво ярим йилдан бери муттасил охиб бораётганини маълум қилдики, бу юқоридаги ташвишлар нақадар асосли эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, биргина 2012 йилнинг дастлабки ярмида озиқ-овқат баҳоси 25 фоизга қимматлашган. Об-ҳаво ноқулайлиги дунёнинг асосий қишлоқ хўжалик минтақаларини аяб ўтирмади. Бир неча йилдирки, ҳар ёз фасли Европа мамлакатларига янги балоларни "туҳфа" этмоқда. Европа халқи бултур ўрмон ёнғинларига қарши курашган бўлса, бу йил кўпроқ жала, дўл ва сув тошқинларидан азият чекапти. Гўё бу билан табиат европаликларнинг сабрини синовдан ўтказётгандек. Швецияда сўнгги 200 йил мобайнидаги энг серёғин ёз кузатишмоқда. Мамлакатда ёмғир ёки жала ёлмаган куннинг ўзи йўқ. Польшада ёққан дўл уйлар, автомобиллар ойналари ва ҳатто томларни тешиб юборганлиги айтиляпти. Венгрияда бўлса атиги бир неча соат ичида ҳаво ҳарорати 20 даражага тушиб кетган.

АҚШда эса 120 йилдан бери бу қадар жазирама иссиқ кузатилмаган эди. Дейлик, Канзасда дахшадли қурғоқчилик ҳукмрон. Дарёлар қуриб, баликчилар ишсиз қолгани етмагандек, қишлоқ хўжалик экинлари қуриб қолиш даражасига тушди. Канзасга қўшни Колорадода ўрмон ёнғинлари аранг жилавонган бир пайтда олов тафти Калифорнияда яна авж олди. Юз минглаб гектар майдондаги ўрмонлар куйиб кул бўлди, уйлар аланга ичида қолди. Ҳозирча йирик шаҳарларга жиддий хавф сезилмаётган бўлса-да, ёнғиннинг янги-янги ҳудудларни қамраб олмастлигига ҳеч ким кафолат бермапти.

Маълумотларга кўра, қурғоқчилик Американинг камида 20 та штатини қамраб олган. Энг оғир вазият мамлакатнинг жанубий ва марказий ҳудудларида юзага келди. Бир неча ойдан бери ёмғир ёлмагани, ҳарорат 35 даражадан пастга тушмаётгани сабабли фермерлар даласидаги ҳосил нобуд бўлди. Маҳаллий маъмуруларнинг фикрича, вазият ижобий томонга ўзгармаса, ичимлик суви билан боғлиқ муаммо ҳам юзага келиши мумкин. Жазирама-

дан Европа ҳам қаттиқ азият чекамқда. Испания ва Италияда ўрмонларга ўт кетган. Грецияда эса ҳарорат 40 даражага чикқанлиги айтилмоқда. Шифокорлар шундай бир пайтда аҳолини кўчаларга чиқмаслик ва кўпроқ сув истеъмол қилишга чақирмоқдалар.

Испаниянинг Тенерифа оролида юз берган талофотлар ҳаммасидан охиб тушди. Бу ерда жазирама ва қурғоқчилик ортидан ўрмон ёнғинлари келиб чиқмоқда. Аланга яшаш жойларига етиб келганлиги сабабли одамлар хавфсиз жойларга кўчириляпти. Сардинияда ҳам шунга ўхшаш манзара ҳукмрон. Мана, бир неча кун-

нохуш ҳолат она-заминимиздаги ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Нарх-наво кескин охиб кетганлиги боис қашшоқлар ўз даромадларининг 70-75 фоизини асосан егуликлар учун сарфлашга мажбур бўлишмоқда. БМТ маълумотларида эса айни кунда ер юзи аҳолисининг 1 миллиарддан кўпроғи оч-наҳор кун кечираётгани таъкидланаяпти.

Тан олиш керак: дунё бўйлаб ҳар йили минглаб гектар унумдор ерлар ҳаммаи камайиб бормоқда. Қурғоқчилик, шўрланиш, чўлланиш ва бошқа бир қатор табиий омиллар ана шу ерларни ўлик чўллаларга айлантириб, ҳосилни

1945 ЙИЛИ ЖАҲОНДА АҲОЛИ СОНИ 2,5 МЛРД.НИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, 2010 ЙИЛГА КЕЛИБ БУ РАҚАМ 7 МЛРД. ДАН ОШИБ КЕТДИ. ЯЊНИ СЎНГИ ОЛТИМИШ ЙИЛ ДАВОМИДА САЙЁРАМИЗ АҲОЛИСИ 4 МЛРД. КИШИГА КЎПАЙГАН. БУ ЭСА ЎЗ-ЎЗИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ОШИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ.

дирки, фавқулодда хизматлар ўрмон ёнғинларини бартараф этишнинг иложини тополмаяпти. Олов тафти машҳур Сан-Тедоро сайёҳлик сўхташгоҳига ҳам яқинлашган. Камида 800 нафар киши уй-жойларини ташлаб чиқишга мажбур бўлган. Гарчи ёнғинни ўчириш учун махсус самолёт ва вертолётлар жалб этилган бўлса-да, шамолли ҳаво уларнинг сайё-ҳаракатларини пучга чиқараяпти. Олов ўчирилган нуқталарда эса аланга янгидан авж олаётган.

Ҳар дақиқада ёнғин чиқиши мумкин бўлган мамлакатлар қаторига Италия, Хорватия, Македония, Болгария ва Сербияни ҳам киритиш мумкин. Бу ерда ҳам кўплаб ўрмонларга ўт кетмоқда. Ҳозиргача "қўхна қитъа"да 100 нафардан ортиқ киши иссиқ ҳаво жабридан қурбон бўлди. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, Яқин Шарқ ва Африкани ларзага келтирган талатўплар ҳам маълум маънода нарх-наво-нинг охиб бораётганига сабаб бўляпти.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортаётгани сайёрамизнинг турли ҳудудларида асосли хавотирларни келтириб чиқара бошлади. Оммавий аҳборот воситалари маълумотларига назар ташласак, озиқ-овқат, айниқса, бугдой ва гуруч нархларининг муттасил ўсиши барча давлатлар учун бирдек муаммага айланаётганига гувоҳ бўламиз. Табиат инжикликлари, хусусан, иқлимнинг кескин иссиши минглаб гектардаги майдонларни яроқсиз аҳволга келтириб қўйди. Бу

йўққа чиқараяпти. Халқаро ташкилотлар икки йил олдингидек, дон маҳсулотлари нарх-наво осмонга сапчишдан ташвишга тушаётганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, вазият мурраккаб. Бу ҳол қачонгача давом этишини ҳеч ким билмайди. Қисқа қилиб айтганда, гуруч, бугдой ва маккажўҳори нархларининг ўсиш динамикаси БМТ экспертлари таҳминлари бўйича анча хавотирлидир. Чунки ҳаётини маҳсулотларга бўлган талаб охиб ошмаяпти, асло камаймаяпти. Энг ёмони, дон захиралари, айниқса, бугдой ва гуруч ҳосили сўнгги 10 йилдан бери энг паст даражада бўлган. Воқеликни чуқур ўрганган дунёнинг етакчи иқтисодчилари жаҳон озиқ-овқат инқирозига сабаб бўлаётган бир неча омилларни тилга олишмоқда. Улар орасида иқтисодий ва экологик сабаблар алоҳида ажралиб туради. Дейлик, сўнгги 50 йилдан бери қишлоқ хўжалиги тизимида агро-муомиласи услубларнинг ўзгармай қилиши нафақат майда фермерлар, балки атроф-муҳит ва экологик барқарорлик ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, тармоқнинг келажак иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларнинг қай даражада ҳал этилишига боғлиқлигини асло унутмаслигимиз керак. Айниқса, охириги 40 йилдан бери қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда антропоген технологияларни кенг қўллаш оқибатида (аҳоли сони 2 миллиардга кўпайди) сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз аҳволга тушиб қолди.



Бинобарин, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, уни янги зарарсиз технологиялар билан таъминлаш бугунги кунда барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифалардан бирига айланган, десак, асло хато қилмаймиз. Ер юзи аҳолиси кун сайин охиб бормоқда. Хусусан, иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча ҳудудларида «демографик портлаш» кузатиляпти. Масалан, 1945 йили жаҳонда аҳоли сони 2,5 млрд.ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 7 млрд. дан охиб кетди. Янги сўнгги олтимиш йил давомида сайёрамиз аҳолиси 4 млрд. кишига кўпайган.

Бу эса ўз-ўзидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни замонавий технологиялар асосида оширишни талаб этади. Вазиятни чуқур ўрганган ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Осие ҳамда Африка мамлакатларида озиқ-овқат етишмовчилигига асосан қишлоқ хўжалиги тизимининг эскирганлиги сабаб бўлмоқда, деган хулосага келдилар. Тўғри, аҳволни мураккаблаштираётган табиий омиллардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Биринчидан, экин майдонларини сугоришга мўлжалланган сув манбалари эндиликда кўпроқ сановат ва ўсиб бораётган шаҳарлар аҳолисининг эҳтиёжини қондириш учун сарфланаяпти. Иккинчидан, асосан аграр соҳага иxtисослашган мамлакатларда юз бераётган табиий офатлар ҳосилни буткул нобуд қилмоқда ёки унумдорликни пайсатириб юбормоқда. Бундан, айниқса, озиқ-овқатнинг асосий


қисмини четдан сотиб олади-ган давлатлар, хусусан, Осие ва Африкадаги қашшоқ мамлакатлар қаттиқ жабр кўраляпти. Мавжуд аҳволни енгилаштириш учун қитъадаги давлатларнинг ҳукуматлари озиқ-овқат импортини оширишга ҳаракат қилаётган бўлишса-да, бундай синовларга маҳаллий бюджетнинг дош бериши амри маҳол. Маълумотларга кўра, жорий йилда ривожланаётган давлатлар ҳам озиқ-овқат эҳтиёжи учун ўтган йилдагига нисбатан ўн фоиз кўп маблағ сарфлашга мажбур бўладилар. Унинг ялли миқдори 500 млрд. долларгача етиши мумкин. Агар

аҳвол шу тарзда давом этса, дунёда очлар ва тўқлар ўртасидаги тафовут янада чуқурлашиб бораверади. Бинобарин, галла захирасига етарли бўлган давлатлар бундай оғир ва, айтиш мумкинки, қалтис шароитда ҳар қандай манфаатни четта суриб, мўмай даромад қилиб қилиш илинжида нарх-наво-ни сунгли тарзда оширмастиклари, экспорт учун турли чекловлар қўймастиклари лозим.

Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фикрича, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг энг самарали йўли экин майдонларини кўпайтириш эмас, балки мавжуд ерлардан оқилонга фойдаланишдир. 2050 йилга бориб дунё аҳолиси тўққиз миллиардга етиши кутилмоқда. Бу эса ҳозиргача нисбатан икки миллиардга кўп демакдир. Шунча одамнинг боқиш учун экин майдонларини кўпайтиришнинг ўзи етармикми? Демак, ақл ва тал-бир билан иш юритиш, мавжуд имкониятлардан оқилонга фойдаланиш талаб этилмоқда. Чунки гектар бошига йиғилдиған ҳосил миқдори ўзгармайди. Муаммонинг ягона ечим мавжуд қишлоқ хўжалиги ерларидан мўлроқ ҳосил олишнинг янги, самарали йўллари тадқиқ этишдадир.

Воқеалар, далиллар, шарҳлар

ЖАР ЁҚАСИДАГИ ШАҲАРЛАР



Қарз ботқоғидан чиқа олмаётган Италиянинг 10 та шаҳрида инқироз оқибатлари тўфайли бюджет олдидаги мажбуриятлар бажарилмай қолмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукумат томонидан Неаполь, Реджо-ди-Калабрия, Сицилия, Палермо, Алессандрия ва Пьемонте шу каби шаҳарларни молиявий инқироздан қутқариш учун давлат қарзларини кескин қисқартириш кераклиги таъкидланмоқда. Маълумки, маъмурулар жорий йилда бюджет харажатларини қисқартириш эвазига 500 млн. евро ни тежаб қолган эдилар. Лекин шунга қарамай, Италия вазирлар кенгаши кейинги 3 йил мобайнида давлат секторидagi 10, бошқа соҳаларда эса 20 фоиз иш ўринларини қисқартиришни режалаштирмоқда.

ДЎКОНЛАР 24 СОАТ ИШЛАЙДИ



Буюк Британия ҳукумати томонидан эртага Лондонда старт оладиган «Олимпиада-2012» мусобақаларини кўнглидагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Яқинда эълон қилинган янги қарорга кўра энди яқинда кунлари ҳам мамлакатдаги йирик савдо мажмуалари ва дўконлари ишлайди. Савдо нуқталарининг иш вақти 9 сентябрга, яъни, мусобақа якунлангунга қадар умуман чегараланмайди.

ИШ ТАШЛАШ ПОРТДАН БОШЛАНДИ



Бразилиянинг 90 фоиз маҳсулотлари экспорт қилинадиган денгиз портида санитар-назоратнинг издан чиққанлиги тўфайли иш ташлаш бўлиб ўтди. Бундан ташқари ишчилар иш ҳақларини 25 фоизга ошириш ва ишлар тўғри ташкил этилишини талаб қилмоқдалар. Айни пайтда, мамлакат касаба уюммаси ва Санитар-назорат агентлиги иш ташловчиларнинг 70 фоизини тўхтатиб қолишга уринмоқдалар. Кузатувчиларнинг фикрича иш ташлаш нафақат денгиз портида балки мамлакат фуқаро авиацияси, электр, нефть, кон сановатида меҳнат қилаётган ишчилар ўртасида ҳам авж олмоқда.

ДУНЁНИНГ ЭНГ КАТТА ЛИФТИ



Япониянинг Осака шаҳридаги кўп қаватли Умеда Ханку биносига «Mitsubishi» компанияси томонидан лойиҳалаштирилган дунёдаги энг катта лифт ўрнатилди. Ушбу гигант лифт бир вақтнинг ўзида 80 кишини бағрига олади. Умеда Ханку биносидан ана шундай улкан лифтлардан бештаси ўрнатилиб, улар бирданга 400 нафар кишини юқорига чиқариб қўяди.



ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

